

Жаҳон халклари тарихидан маълумки, Ўрта Осиё жуда кадим-кадим замонлардан Шаркнинг Гарбга томон дарвозаси, иктиносидий ва маданий алокалар узатувчи узели ролини ўйнаб келган. Шарқ халклари Гарбга томон турли максад сари интилишларида хеч качон Ўрта Осиё худудларини четлаб ўтмаганлар. Кадимда ва ўрта асрларда Евразия даштлари ахолиси, айникса Олтой, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой худудлари нафакат иктиносидий, балки этномаданий жихатдан хам Ўрта Осиё билан ўзаро узвий алокада бўлган. Бу хақда археологик манбалар кўп фактологик материаллар беради. Археолог А.В. Виноградов бу аюла натижаларини неолит ва энеолит даври Ўралорти, шимолий ва шаркий Козокистон ёдгорликлари билан кадимги Хоразмнинг калтаминар маданияти материаллари мисолида яхши кузатади. Бронза даврига келганда, айникса йилкичилек ривожланиб, от ва туядан тез юрувчи транспорт хайвони сифатида фойдаланиш кашф этилгач, жанубий Сибир ва Ўрта Осиё кабилалари ўртасидаги алокалар жонланиб кетди.

Милоддан аввалги II – минг йилликнинг ўрталарига келганда Марказий Осиёning чўл ва дашт минтакаларида, айникса унинг Жанубий Сибир, Тогли Олтой, жанубий – шаркий Ўрол орти районларида, Козокистон даштларида чорвадор кабилалар хаётида туб социал-иктиносидий ва этномаданий ўзгаришлар юз бердики, дашт ахолиси орасида мулкий табакаланиш жадал кечди, дашт ахолисининг асосий бойлиги хисобланган чорвага бўлган мулкчилик ўша даврнинг харбий аслзодалари – сардорлар: кабила ва уруг бошликлари кўлида тўплана бошланди, давр жамиятининг аристократия табакаси, озод ва эркин мулк эгалари пайдо бўлди. Ем-хашак захиралари етарли бўлган минтакаларда чорва молларини тез кўпайиши бу табиий хол. Буни яхши тушунган мулк эгаларининг эътибори ўша давр такозасига кўра, отлик харбий кўрикчилар, жангавор суворийлар отрядини ташкил этишга каратилди. Эндиликда чорвадор аслзодаларнинг иктиносидий юксалишидаги асосий омил чорва молларини мунтазам ем-хашак захиралари билан таъминлаб бориш бўлиб колди. Даёт ахолисининг хали давлат тузилмалари шаклланмаган, кабилавий тартиб-коидалари хукм сурган жамиятида янги яйловларни ўзлаштириш учун ўзаро курашлар мукаррар эди. Ўша давр талабига кўра, чорвадорлар жамоаларида жангавор суворийлар, яъни эркин, озод харбийлар табакаси

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

пайдо бўлди. Улар кадимги Эрон ва Турон халкларининг муқаддас китоби Авестода турлар деб аталган мулкдор чорвадорлар, яъни орийлар эди. Орийлар бронза ва илк темир даври ижтимоий табакаси, шаклланиб бораётган дастлабки синфий жамиятнинг мулкдорлар синфи.

Археологик тадқикотлар натижаларига кўра, милоддан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб, Ўрта Осиёнинг шимолий – шарқидан Сирдарёнинг куйи хавзаларига Марказий Осиёнинг дашт ахолиси жадал кириб келабошлайди. Дастреб улар Амударёнинг куйи хавзаларига жойлашадилар (тозабогёб маданияти), Уларнинг бир кисми Сирдарёнинг ўрта хавзаси, яъни Жанубий Козокистон ва Тошкент воҳасига кириб келадилар, Еттисув оркали кадимги Фаргонага (кайроккум маданияти), ундан Кайроккум оркали Уструшона ва Сугдиёна худудларига кириб борадилар. Хозирги кунда уларнинг моддий маданият излари бутун Ўрта Осиё худудлари бўйлаб кенг таркалган. Уларнинг излари хатто Ўрта Осиёнинг кадимги дехкончилик минтакаларида, айнан Мургоб воҳаси ёдгорликларида хам учрайди. Бронза давридан бошланган бу миграция жараёнлари моддий маданият ва кадимги ёзма манбалар таҳлилига кўра, мунтазам равишда то сўнгги ўрта асрларгача давом этган.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё туб жойли ахолисининг айнан икки кутб билан, яъни шимолий – шарқ ва жанубий минтакалар билан анъанавий узвий бөгликлигининг заминида мухим бир омил ётади. Бу хам бўлса, улар ўртасида кадим-кадим замонлардан давом этиб келган этник алокалар эди. Биз юкорида такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ўзбек халки этник асосини эронзабон ва туркийгўй компонентлар ташкил этган экан, тарихий жараённи шундай кечиши табиий хол эди.

Дарҳакикат, Марказий Осиёнинг кадимги ахолиси Хитой ёзма манбаларига кўра туркийгўй бўлган. Бу ҳакда кейинрок алоҳида тўхтаб ўтамиш. Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларида эса кадимдан эроний тилли ахолилар яшаб келган. Бу икки тилли ахолининг учрашув нуктаси, чегара худудлари кадимда Сирдарёнинг куйи хавзалари бўлса, илк ўрта асрлардан бошлаб бу чегара Амударёнинг ўрта хавзаларига кўчди. Бу тарихий жараёнда туркий кабилаларнинг фаоллиги, уларнинг мунтазам равишда давом этган миграцияси бош ролни ўйнаган. Айнан шу даврдан бошлаб, жанубий Турон худудлари ахолисининг этник таркибига кўра, аксарият кўпчиллиги туркий халклардан ташкил топганлиги учун Туркистонга айланди.

Муаллиф:  
20.01.2014 10:27 -

Туркистон тарихининг кадимги давлари, унинг халки ва хўжалиги, турмуш тарзи ва урф-одатлари хакида, айникса Канг давлати ва кадимги Фаргона-Даван хакида хамда Даҳя тўғрисида Хитой ёзма манбаларида бизгача кизикарли маълумотлар етиб келган. Бу маълумотлар кадимги Хитой тарихчилари Си Ма Цяннинг (милоддан аввалги II-I асрлар) “Тарихий хотиралар” ва Бан Гунинг (милоддан аввалги I аср) “Биринчи Хан династиясининг тарихи” асарлари оркали етиб келган. Биринчи асар (“Ши Жи”) милоддан аввалги 138-90 йилларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олган бўлса, иккинчи асар (“Ханшу”) милоддан аввалги 138-23 йилларда бўлиб ўтган воқеаларни камраб олган. Унинг муаллифи ўз асарини ёзишда “Ши Жи” да баён этилган маълумотлардан тўлик фойдаланиб, уни янги воқеалар баёни билан бойитган.

Ушбу манбалар маълумотига кўра, Хан сулоласи даврида Хитой империяси билан Хунлар ўртасида муносабатлар ёмонлашиб, Хан хукмдори Уди (милоддан аввалги 140-87 йиллар) хунларга карши харбий иттифокчи кидириб, бир замонлари Орол бўйларидан Шаркий Туркистон томон бориб колган, аммо, у ерларнинг эгалари хунлар билан келиша олмай, улар билан яйлов талашиб, бир неча бор ўзаро тўкнашувлардан сўнг, Гарбга чекинишга мажбур бўлган Юечжи (массагетлар кабила иттифоки) кабилалари оркасидан милоддан аввалги 138 йилда харбий зобит, айгокчи Чжан Цянни юбаради. Чжан Цяннинг

ўз императорига ёзган хисботномасига караганда, у Шаркий Туркистонда хунлар томонидан кўлга олиниб, 10 йил асирикдан сўнг кочишга улгуриб, ўз саёхатини давом эттиради. У Кашгар оркали Кадимги Фаргона (аслида Дайюан, рус адабиётида Даван бўлиб кетган) давлатига келади. Довонликлар уни яхши кутиб олишиб, Хитойдек буюк давлат билан савдо-сотик килиш, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, дўстлик алокаларини ўрнатишга тайёр эканликларини баён килишиб, улардан шимолда кудратли Кангуй давлати борлиги ва улар билан тинч-тотув яшаётганликларини билдирадилар. Агар лозим бўлса элчи жанобларини Кангуй чегарасигача кузатиб кўйишларини билдирадилар. Довонликларнинг илик муомилаю-илтифотларидан мамнун бўлган зобит Чжан Цян

дованлик хамроҳ кузатуvida Кангуйга жўнайди. Аммо, Кангуй хукмдори билан тил топаолмай, Юечжиларни кидириб, саёхатини давом эттиради.

Милоддан аввалги 126 йилгача Юечжи кабилалари Бактрия (Хитой манбаларида “Дахя”)га бориб жойлашиб олган эдилар. Юечжиларнинг Гуйшуван кабиласи етакчилигидаги хукмдори билан учрашувда: “биз поёни йўқ жанг-жадаллардан чарчадик, энди унумдор ерларга бой мамлакатда тинч-тотув яшамокчимиз” деб, ундан рад жавобини олади. Нихоят, Чжан Цян ўз максадига эриша олмай, Бадахшон ва Помир оркали ўз юртига кайтиб кетади. У Шаркий Туркистонда хунла р томонидан яна кўлга олиниб, бир йил асирикда бўлиб, сўнг Хитойга етиб боради.

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

Шундан сўнг 11 йил ўтди. Чжан Цян милоддан аввалги 114 йилда император топшириги билан Ўрта Осиёга иккинчи марта саёхатга рухсат олади. Энди у 300 кишидан иборат карвонга бош бўлиб, йўлга чикади. Карвонда бир неча минг пулга тенг олтин ва кумуш, кимматбахо шойи-атласлар Ўрта Осиё подшоликларига савга-салом учун олиб олади. Сафар катнашчиларининг озик-овкатлари учун ўн мингдан ортиқ сигир ва кўйлар карвон билан жўнатилади. Сафардагиларнинг хар бирига иккитадан от берилади. Чжан Цяннинг ўзи Усун, Кангуй ва Дайюанга йўл олган карвонга бош бўлади. У Хиндистон ва Араб мамлакатларигача борадиган карвонлар ажратиб, уларни хам кўп моллар билан таъминлаб, маҳсус элчиларни юбаради [1] Улар Иссик кўл оркали усунларга бориб, у ердан гарбий мамлакатларга маҳсус топшириклар билан ўз айгокчиларини карвонларга кўшиб юбаради. Унинг айгокчилари Парфиягача кириб борадилар ва турли маълумотлар олиб келадилар. Чжан Цяннинг ёзишича, ўша кезларда Кангуй давлатининг жанубий чегара районлари Бактрияни эгаллаган Юечжилар таъсирида, унинг шимолий-шаркий чегара районлари эса хунлар таъсирига тушиб колган эди. Зобит берган маълумотлардан келиб чикадиган хулоса шуки, милоддан аввалги II – асрнинг охириларида Кангуй давлатида иктисадий ва харбий танглик юз беради. Чунки, Хитой билан хунлар ўртасида бошланган жангларга Кангуй хам (хунлар томонида) тортилган бўлиб, бу урушда хунлар енгилади, аммо Кангуй, хар калай, ўз мустакиллигини саклаб колган эди.

Милоддан аввалги I – асрдан бошлаб Кангуй яна ўзини ўнглаб олади. Мана шу воеалар таъсири бўлса керак, Хитой элчиси Чжан Цян император саройига юбарган хисобатида Кангуй хакида шундай ёзади: “Кангуй магрур ва кўрс. У бизнинг элчиларимиз олдида таъзим килишни ўзига эп кўрмади ва бутун фел-атвори билан хоким номидан унинг олдига юбарилган бизни амалдорларимизни кўпгина давлат элчиларидан, хатто усун элчиларидан хам куйига ўтказди”. Чжан Цян маълумотларига асосланиб, Си Ма Цян ўзининг “Тарихий хотиралар” асарида канглиларнинг турмуш тарзи хакида фикр юритиб, “улар урф – одатлари бўйича юечжиларга ўхшаб кетади”, деб ёзади.

Хуллос, хитойликлар айгокчи дипломат, собик харбий зобит Чжан Цяннинг хар икки саёхати давомида император саройига юбарган хисобатидан сўнг, Ўрта Осиё, айникиса кадимги Фаргона ва Канг давлати, бу давлатлар ахолисининг урф-одатлари, турмуш тарзи, хўжалиги ва хаёти хакида тўлик маълумотга эга бўладилар.

Канг давлати. Хитой манбаларида Канг давлати Кангуй ёки Канцуй деб аталган. Хитой тарихчиси Си Ма Цян ўз хотираларида кангуйларнинг жойлашиши, харбий кучи, урф-одати, уларга кўшни халқлар хакида кискача маълумот беради. Кангуйлар хакида батафсил маълумот Бан Гу асарида ва бошка Хитой муаллифларининг асарларида

Муаллиф:  
20.01.2014 10:27 -

берилган.

Кангуйларнинг хўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи хакида археолог олимларнинг ковунчи маданиятига оид ёдгорликларда олиб борган илмий тадқикот ишлари таҳсинга сазовар. Кангуй давлати ва унинг ташкил топган худуди масаласида якингача С.П.Толстов фикрига суюнган холда Ўзбекистон тарихида нотўғри тасаввурлар хукмон бўлиб келди. Аммо, кейинги йилларда Тошкент воҳаси ва Жанубий Козокистонда олиб борилган кенг кўламли археологик козишмалар Кангуй давлатининг жойлашган худуди хакида тарихий хакикатни юзага чикарди. Бу масалада Я.Г Гуломов, С. Г. Кляшторний, Ю.Ф.Буряков, К.Ш.Шониёзов, М.И.Филанович ва бошкалар катта иш килдилар.

Авестода Канха, Птолемейда “кандар” (кангар), “Шохнома”да турлар деб номланган кабила аслида саклар эди. Турон подшоларининг бош шахри Кангдиз – хозирги Тошкент вилоятининг Оккўргон туманида жойлашган Канга шахар харобаси эканлиги аникланди. Хитой манбаларига кўра, кангарларда давлат бўлганлиги хакида маълумотлар бор. Искандар харбий юришларидан кейин Ўрта Осиёнинг кадимги эркесвар кўчманчи кабилалари

жанубда Юнон-Бактрия давлати

ташкил топгач, дархол шимолда кўчманчи кабилалар ва ўтрок ахоли махаллий хокимларни иттифоки асосида ўз давлатини тузадилар. Бу давлат ярим ўтрок, ярим кўчманчи кабилалар конфедерацияси сифатида ташкил топган Канг давлати эди.

Мунтазам харбий кучга эга бўлган бу давлат

Ўрта Осиё жанубида таркиб топган

юнонлар хукмонлигига карши каратилган эди.

Шуниси алохида таҳсинга сазоварки, бу давлат ахолиси икки тилда (сугдий ва туркий) сўзлашувчи кабила ва элатлардан ташкил топган бўлиб, бу заминда яшовчи кадимги эроний тилларда сўзлашувчи туб жойли халкларнинг Жанубий Сибир, Олтой, жанубий-шаркий Ўралорти, Шаркий Туркистон ва Еттисув вилоятларида яшавчи туркий кабилалар билан алоказлари, якинлашиш жараёнлари жадаллашади. Натижада, милоддан аввалги III – асрдан бошлаб Сирдарёнинг ўрта оқими районларида туркий тилда сўзлашувчи янги этнос вужудга кела бошлади. Милодий эранинг бошларига келганда бу янги этнос сон жихатидан кўпайиб, Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралигига ва уларнинг теварак-атроф районларида ўз устунлигини таъминлайди ва улар алохида кангар элати бўлиб шакланади. Ана шу элат бирлиги асосида таркиб топган сиёсий уюшма, яъни ўзбек давлатчилик тизимининг бошлангич куртаги мана шу Канг давлати эди.

Кадимги манбаларда Канг давлатининг кандай идора килинганлиги, давлат тузилиши

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

кандай бўлганлиги тўгрисида маълумотлар етиб келмаган. Аммо, тўнгич Хан сулоласи тарихида (милоддан аввалги II-I асрларда) Кангуй подшоси ўз оксоколлари билан маслахатлашиб иш тутиши хакида эслаб ўтилади. Осиёча ишлаб чикариш принциплари асосида ташкил топган Канг давлатида оксоколлар кенгаши катта рол ўйнаган. Бу кенгаща кабила бошликлари, харбий саркардалар фаол катнашиб, муҳим давлат ахамиятига молик масалалар хал этилган. Подшо хокимияти маслахат мажлиси (анчумана) билан хамнафасликда иш юритган. Бундай бошқарув услуги тарихда харбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган.

Канг давлатига карашли ерлар бир неча вилоятлардан ташкил топган эди. Улар агар чорвадор кабилаларга тегишли минтакалар бўлса, уларни бошқариш жабгу (ябгу)ларга топширилган. Канг хоконлари мамлакатни ана шу жабгуларга таяниб бошқарар экан, улар, одатда, хоконларга якин кишилардан, уларнинг кавму-кориндошларидан, йирик уруг ва кабила бошликларидан тайинланган. Канг давлати таркибида бўлган ўтрок ахоли вилоятларини бошқариш эса махаллий хокимликлар тасарруфида колдирилиб, улар хокон томонидан тайинланган тудунлар назоратида марказий хокимиятга мунтазам равишда солик (бож) тўлаб турган. Ана шундай тобе вилоятларга кадимги Хоразм, Сугд вилоятлари, Ўрол тоголди районлари (аланлар, ян кабилалари) кирган.

Кадимги Хитой манбаларида Канг давлатининг чегаралари аник кўрсатилмасада, аммо, милоддан аввалги II- асрда Канг давлати Довоннинг шимолий-гарбида бўлганлиги эслатиб ўтилади, яъни “Кангуй Даван билан чегарадош” дейилган. Милодий I-III асрларга оид кичик Хан сулоласи тарихида эса

Шаркий Туркистон

вилояти шимолда “кангуйлар билан чегарадош” дейилган. Хитой элчиси Чжан Цян берган маълумотларда гарбий меридионал йўли хакида гап кетганда, бу йўл аввал Давандан, сўнгра Кангуйдан ўтиб, Янцай (аланлар) ерига ўтиб боради, дейилган. Хитой манбаларига кўра, Канг давлатининг асосий ерлари Тошкент вохаси, Жанубий Козокистон , Талос водийси, Чу дарёсининг куйи оқимлари, ундан то Сарисув дарёсигача бўлган худудларни ўз ичига олган. Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар “ асарида ёзилишича Канг давлатининг пойтахти иккита бўлган. Манбада хабар берилишича, Кангуйнинг пойтахти Битъянда бўлган дейилади. С П. Толстов уларни дастлаб кадимги Хоразмдан кидирди. Аммо, ёзма манбаларни археологик ёдгорликлар билан киёсий ўрганиш натижасида олимлар Битъян (Кангдиз) Хоразмда эмас, балки Тошкент вохасида жойлашганлигини исботладилар. Дарҳакикат, Канг давлатининг кишки пойтахти сифатида Битъян айнан Тошкент вилоятининг Оккўргон туманида жойлашган Канкатепа шахар харобаси эканлиги аникланди.

Канка, яъни кадимги Кангдиз (Битъян) кадимги ипак йўли йўналишида жойлашган, милоддан аввалги III- асрда кад кўтарган йирик шахар бўлиб, унинг бизгача сакланиб

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

колган майдони 150 га. Унинг атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шахар майдонида Канг хоконининг ўрдаси, шахар ибодатхонаси, савдо-сотик ва хунармандчилик мавзелари, йўллар, хавузлар, бозор майдонлари, турор-жой массивлари очиб ўрганилган. V аср ўрталарига келиб Канг давлати парчаланиб кетади, Канка эса энди Чоч маликларининг пойтахти бўлиб колади. Бундай хulosага келишга гувохлик берувчи кўлимизда ашёвий далиллар бор, яъни Канкадан V асрга оид Чоч маликаларининг расми туширилган тангалар, лойга Чоч маликаларининг суръати босилган буйумлар топилган. Хитой манбаларида Канг давлати хоконларининг кишки пойтахти Битъяндан бошка ёзги кароргохи хам бўлган дейилади. Канг давлатининг ёзги кароргохи манбаларда эслатиб ўтилган Тарбанд (хозирги Ўтрор шахри харобаси) шахри эди. Тарбанд топоними VIII асрга оид туркий тош ёзувида “Кангу-Тарбанд” деб эслатилади. Тарбанд (Ўтрор) Канг давлати парчаланиб кетгач (V аср ўрталари), Чоч давлатининг таркибида колади.

Шундай килиб, Канг давлатининг иккита маркази бўлган. Улардан бири Канка (Кангдиз) бўлиб, у Тошкент вохасида, Сирдарёга якин ерда жойлашган. Бу шахар археологик тадқикот натижаларига кўра, милоддан аввалги III – асрда бунёд этилган бўлиб, у Канг подшоларининг доимий кароргохи бўлган. Арис дарёсининг куи оқимида жойлашган Ўтрор (Тарбанд) эса Канг давлати хоконларининг ёзги кароргохи бўлган. Кадимги Хитой манбаларида кангарларга карашли 5 та вилоят тилга олинади. Улар Сусие, Фуму, Юни, Ги, Юеган бўлиб, бу номлар Хитой тарихчилари томонидан берилган махаллий номларнинг хитойча таржималаридир. Тарихий жойлар ва шахарлар номларини хитойлаштириш (шундай холат юонон тарихчиларида хам учрайди) хансуларга хос улуг Хитой шовинизмининг асосий максади эди. Афсуски, махаллий номлар бизгача етиб келмаган. Улар хакидаги маълумотлар хитойча ном билан кадимги хитой манбаларида учрайди.

Милоддан аввалги I аср ўрталарида тўнгич Хан сулоласига мансуб Хитой императорлари буюк ипак йўлининг барча бўгинларида ўз назоратини ўрнатиш максадида аввало хунларни, сўнгра усунларни ўзига бўй сундириш йўлида сиёsat юритадилар. Милоддан аввалги 59 йилга келиб, улар Тяншан оркали ўтган шимолий йўлнинг Ёркентгача бўлган кисмини эгаллайдилар. Худди шу кезларда усун ва хун муносабатлари кескинлашган эди. Бундан фойдаланган Хитой усунларни ўзига иттифокчи килади. Кангарлар эса хунлар билан иттифокда бўлиб, усунлар устига кўшин тортиб боради. Натижада Хитой-Кангуй муносабатлари янада ёмонлашади. Чунки бу адоват милоддан аввалги II аср охиридан бошланган, яъни Канг давлати ўз ташки сиёsatида Хитойнинг Довонга уюштирган (милоддан аввалги 104 ва 101 йиллар) хар икки юришида Довонга мадад бўлиб турган. Милоддан аввалги 65 йилги Ёркент кўзголончиларига хам кангарлар ёрдам киладилар. Ўша кезларда кангарларга халкаро майдонда оғир йиллар бўлди. Кейинрок кангарлар билан хунлар ўртасидаги дўстлик иттифокига зил кетади. Бунга хун хукмдорининг парфянлар билан дўстлик аҳдини тузилиши сабаб бўлади. Чунки парфянлар билан

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

кангарлар ўртасидаги алока ёмон эди. Натижада хунлар кангарларнинг ашаддий душмонига айланади. Энди кангарлар Хитойга якинлашиш йўлини ахтаради. Аммо, Кангуйга келган Хитой элчисига кўрсатилган муносабатни эслаб, Хитой сийсатдонлари Хитой-Канг ўртасида дўстлик алокаларини тиклашга йўл кўймайдилар. Хатто улар кангарларнинг хунлар билан иттифокини хам бузишга муюссар бўладилар.

Хитой императорларининг кангарларга нисбатан ташки сиёсатининг заминида кудратли Канг давлатини халкаро мавкеини заифлаширишга каратилган эди. Буни яхши тушунган кангар аслзодалари хитойликларнинг боскинчилик ташки сиёсатига доима карши турадилар. Милодий асрнинг 80 йилларида Хитой кўшинлари Канг ва Довонни эгаллаш учун юриш бошлайди. Довонликлар Канг подшоларига ёрдам сўраб мурожат киладилар. Канг харбий кўшинлари душманни Кашгарда кутиб олади ва орада каттик жанглар бўлади. Жангда кангарларнинг кўли баланд келади. Саросимага тушган Хитой дархол ёрдам сўраб күшонларга чопар юбаради. Худди шу кезларда кангарлар күшонларга хирож тўлар эдилар. Ушбу мажорага күшонлар аралашгач, кангарлар Кашгарни ташлаб чикиб кетадилар. Хитой эса шармандаликдан кутилиб колади. Биринчи асрда кангарлар Бухоро ва Хоразмни эгаллайди. Аммо, бу вилоятлар тезда Канг давлати таъсиридан чикиб, Күшон салтанати таркибига ўтади. Гарбда эса кангарлар Парфиянинг кучсизланиб колишидан фойдаланиб, Янцайни (аланлар юртини) эгаллайди.

Канг давлатини иктисодий хаётига келсак, Хитой тарихчиси Си Ма Цян уни кўчманчилар давлати деб ёзади. Аммо, милодий эранинг бошларига оид тўнгич Хан сулоласининг тарихида кангуйларни ўтрок халк эканлигига ишора килинади. Кангуйларда кора мол ва кўйлар кўп бўлган, улар зотли отларни кўплаб етиштирғанлар, чорва молларининг кўпчиллиги Канг подшолари ва уларнинг якинларига караган, деб эслатилади Хитой манбаларида. Шунинг учун бўлса керак, Канг хокони ва унинг уруглари баҳор келиши билан кишки кароргоҳдан ёзги кароргоҳга кўчиб юрган. Чорваси кам овам ахоли эса воҳа дан чикиб кетаолмаган. Бу вазият кангарларнинг камбагал кисмини ўтрок ёки ярим ўтрок хаёт кечиришга мажбур этган. Хитой манбалари таҳлилига асосланган бундай хulosалар ковунчи ва жети асар маданиятлари ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқикотлар билан хам тасдикланади.

Дайюан (Даван) подшолиги. Кадимги Хитой манбаларида Канг давлатига нисбатан хам Даван подшолиги хакида кўпроқ маълумотлар келтирилади. Кадимги Хитой тарихчиси Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар” (Ши Жи“) асарида ёзишича: “Даван Хан сулоласидан 10 минг ли (Ли кадимда таҳминан 0,5 км га тенг бўлган, хозир эса – 576 м. деб кабул килинган) олисда бўлиб, хунларнинг гарбий-жанубига, Хан (сулоласи) нинг айнан гарбига тўгри келади. Даванликлар авлоддан авлодга ўтрок хаёт кечириб келган экан. (Улар) дехкончилик билан шугулланиб, шоли, бугдой экар экан. Узум шароби чикарар экан. Даванда асл отлар кўп

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

бўлиб, мазкур отларнинг хаммаси тулпор отлардан экан. Баданидан кизил тер томчилари (ялтираб) чикиб турагар экан. (Даванда) шахар, калъа, уй – иморатлари бор, катта-кичик 70 дан ортик шахарлар бор экан. Уларда 60 минг оила (300 минг одам) яшар экан. Бу давлат аскарлари ўқ-ёй, найза ишлатар экан ва улар отга минишга, ўқ-ёйдан фойдаланишда мохир мерган экан. Шимолда Кангуй, гарбда

Да-юечжилар, жанубий—гарбда Бактрия, шимолий–шарқда Усун, шарқда Дандан уйлик, Удун бор экан”

[2]

Бу асарда яъни “Ши Жи”да Даваннинг иккита пойтахти бўлганлиги, уларнинг бири Эрши бўлса, иккинчиси Ю (Ючен) эканлиги тилга олинади. Бу икки шахарнинг локализацияси масаласида олимлар ўртасида хозиргача илмий мунозара ва бахслар давом этади.

Ўзбекистон тарихининг 1950 йилда чоп этилган нашрида

Даван хукмдорининг кароргохи Гушан (Ю-чен) ни

Ўзган шахри билан таккосланади, Эршини эса А.Н.Бернштамга асосланиб

Андижон вилоятининг Марҳамат районида жойлашган Мингтепа деб кўрсатилади

[3]

, ўз даврида Н.Я.Бичурин Эрши бу Кўкон бўлиши керак, деган гояни ўртага ташлаган.

Э.Шаванна тахлилига кўра, Эрши шахри Ўратепа ёки Жиззах бўлиши керак. Эрши

шахрининг локализацияси масаласида А.Н.Бернштам

тахлилиниң тарафдорлари

кўпроқ

[4]

. Аммо, кейинги йилларда Эршини локализацияси масаласида А.Анорбоев янги гоя билан чикиб, Эрши бу Эски Ахсиментдир

[5]

, деган асосли хulosага келади. Гушан (Ю-чен) эса Даван подшосининг ёзги кароргохи сифатида Косон ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган фикрга кўпчиллик олимлар келган.

Милоддан аввалги II асрда, яъни Хитой элчиси Чжан Цян кадимги Фаргонага келганда, у бу юрт кишлок ва шахарлари обод, сугорма дехкончилик ва хунармандчилик хўжаликлари юксак даражада ривожланган, кучли кўшинга эга мамлакат эди. Чжан Цян император саройига юборган

хисобатида бу мамлакатни Дайюан деб атайди ва унинг ахолиси жуда хуш муомилали, меҳмондўст, кўнгли очик одамлар эканлиги, улар кишлок хўжалиги экинларидан арпа, бугдой, шоли, беда, момик (пахта) экиб, улардан юкори хосил олишларини ёзади.

Дайюанликларда bogдорчилик ривожланганлиги, улар узумдан кишини кайфиятини кўтарувчи ичимлик тайёрлашлари, хар бир хонадоннинг ер тўласида бир нечалаб катта хумларда бу ичимлик борлиги хакида шундай ёзади: “Дайюаннинг барча жойларида узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта микдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда хам бузилмай сакланади”

[6]

деди. Дайюанликлар бөгләрида узумдан бошка анор, бодринг, ёнгок ва бошка мевали дараҳтлар кўп бўлиб, Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пойдо бўлишини Дайюан билан бөглайдилар.

Хитой элчиси Дайюанда кучли давлат тизими шаклланганлиги, унинг ахолиси 60 минг оиласдан (300 минг кишидан) иборат эканлиги, хар бир оила мамлакат мудофаасига биттадан, жахми 60 минг ўқ-ёй ва найза билан куролланган, от устида камондан ўқ узувчи, найза санчгувчи мохир жангчилар ажратиши мумкинлиги, давлат тепасида маҳаллий аслзодалардан чиккан хукмдор туришини ёзиб, улардан баъзи бирларини номини хитойчага агдариб, Мугуа, Чан Фин, Янглю деб атайди. Хитой ёзма манбаларига кўра, хукмдорнинг ёнида унинг энг якин кориндошларидан иккита ёрдамчиси бўлган. Хукмдор давлат ишларини олиб боришда оксоколлар кенгашига суюнган. Оксоколлар кенгаши хукмдор билан биргаликда давлат ахамиятига молик ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларни хал этган. Шу билан бирга, оксоколлар кенгаши хукмдор фаолиятини мухим масалаларда назорат килиб борган. Демак, Олий кенгаш олдида хукмдорнинг хукуки чекланган эди. Айникса, уруш ва тинчлик, дипломатик масалаларда хал этувчи куч ва хукук олий кенгаш кўлида эди.

Хитой манбаларининг хабар беришига караганда, ўзга давлат ва унинг кўшини билан бўлган жангларда даванликларнинг маглубияти учун олий хокимият эгаси-хукмдор оксоколлар кенгаши карори билан ўлим жазосига тортилган. Император Удининг “Самовий дулдуллар” васвасаси ва Даванга уюштирилган икки харбий юриши Чжан Цян Дайюанда бўлганида “самовий дулдуллар”га алоҳида эътибор берган. Унинг таҳрифлашича, бундай отлар гўёки кон терлайди. Чжан Цяннинг ташаббуси билан император саройига хар йили иккитадан аргумак отлар юбариб туриш учун Дайюан подшоси Чангфин билан шартнома тузилади. Хитой тарихидаги бир ривоятга кўра, “Самовий тулпор”ларни кўрган Хитой императори Уди ( мил. авв. 140-87 йиллар) машхур Хитой подшоси Мувонг (мил. авв. 1001- 947 й.) каби тулпор отларга миниб, гарбга саёхат килишни орзу килади. Орзуга етиш иштиёкида Император Уди фол очтирганда, фолбин: “Хосиятли отлар куёш ботиш томондан чикади” деб кўрсатганмиш. Удининг Хитой манбаларидаги Мувонг килган ишларга кизикиши бежис эмас эди. Чунки, Мувонг хитой тарихида кўп гаройиб ишлари билан машхур улуг инсон сифатида тасвирланади. Ривоятларда у Мутайзи номи билан 8 та тулпор отлар кўшилган соябонли аравада Гарбга саёхат килиб, авлиё она Шивонгму хузурида меҳмон бўлган. Хитой тадқиқчилари таҳлилига кўра, Шивонгму шимолий Хиндистон ва жанубий Туркистон заминида 4-5 минг йиллар мукаддам (Хиндистонда “Ума”, Туркистонда “Умай” номи билан) бокий хаёт рамзи, илохийлашган она образи сифатида тасвирланади. Умай онани зиёрат килиш учун “тулпор отлар” ёрдамида күшдай учиб, булутларни ёриб ўтиб, минг чакирим йўллар босиб, у (Умай она) турган манзилга етиб бориши мумкин эди”

[7]

. Ривоятни тарихий хакикат деб тушунган император Уди машхур Дайюан

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

тулпорларини кўлга киритиб, Хоконлигини шухратини оширса “Дунё хукмдори”, “Тангрининг ўгли” деб танилишига ёрдам беради деган орзу-хавасга берилади. Шу боис, у ашаддий душмони хунларга карши харбий иттифокчи кидириш билан бирга айгокчи зобит Чжан Цянни гарбий мамлакатларга юбарган. Зобит Чжан Цяннинг вазифасига нафакат иттифокчи топиш ва зотли отларга эга бўлиш кирган, балки у Дайюан, Да-юечжилар, Кангуй, Парфия каби мамлакатларнинг худудий чегаралари, уларнинг бойлиги, иктисадий кудрати, харбий кучи, турмуш тарзи ва урф-одатлари хакида

маълумотлар тўплашни кўзда тутган. Чжан Цян ахборатларида Да-юечжилар билан Кангуй подшоликлари харбий куч жихатидан Хитойдан кучлирок эканлиги, колган подшоликлар эса улардан харбий жихатдан кучсизрок булиб, хунлар таъсирида эканлиги, аммо, уларнинг барчасида Хитой молларига катта кизикиш мавжудлиги, айникса Дайюан Хитой билан савдо-сотик килишга иштиёқ билдириб, бу масалада улар мустакил сиёsat олиб боришлари мумкинлиги баён этилади

[8]

. Чжан Цянни Дайюандада бўлиши Хитой-Дайюан муносабатларини ривожланишига олиб келди. Хитойлилар император Удининг маҳсус истироҳат bogларида бедазорлар ташкил этиб, Фаргона тулпорларини бокабошлайдилар. Карвонлар усун мамлакатидан хам зотли отларни Хитойга олиб бориб, император Удини хурсонд килишган эди. Уларни хам Хокон тулпор отлар сифатида эъзозлаган. Аммо, Фаргона “самовий тулпорлари”ни кўрганда, усун зотли отларини “тулпор” деб аташдан воз кечиб, уларни “узок куёш ботиш оти” деб атай бошлади, Дайюан отларига эса хакикий “тулпор от” деган ном беради

[9]

Хитой савдо карвонининг Ўрта Осиё мамлакатларига борган элчилари ўз ахборатларида Хитойдан гарбда жойлашган кўпгина давлатлар, жумладан Дайюан подшолигининг харбий кучлари Хитойникига нисбатан заиф эканлиги, озгина куч билан бир хамма килинса, улар хисобига буюк Хан сулоласининг территорияси кенгайиши мумкинлиги хакида хабар берадилар. Масалан, Дайюанга борган элчи Яв Дингхан “Даван харбий куч жихатидан ожиз. Агар З минг аскар юбарилса, кучли ўқ-ёйлар ёрдамида Дайюанни тор-мор килса бўлади [10] деб ёзади. Даван билан урушни тезрок келтириб чикариш максадида сафардан кайтган элчилар: “Дайюанда яхши отлар бор. (Уни) Эрши шахрига яшириб кўйиб, Хан элчиларига бермаётir” деб арз киладилар

[11]

. Энди Хитой императори Даванг уруш очиш учун баҳона кидира бошлайди. Император Уди аёнлари билан маслоҳатлашиб, Дайюан подшолигидан “самовий тулпорлар” талаб килиб, файкулодда хукуклар билан Че Ли бошчиллигида маҳсус элчилар гурухи ташкил килади. Элчиларга Фаргона аргумакларини сотиб олиш учун олтин ва мисдан ишланган 600 га якин “Зар от” хайкаллари бериб, шуларга “самовий тулпорлар”ни олмаштириб келишиликни топширади

[12]

. Элчилар Эршига келиб, совга-саломни топширсада, Дайюан подшоси улар талаб килган микдорда тулпорларни бериб юbarishi мумкин эмас эди. Шу боис, Хитой элчилари рад

Муаллиф:  
20.01.2014 10:27 -

жавоб оладилар

[\[13\]](#)

Максадларига эриша олмаган элчилар Фаргона хукмдорига хурматсизлик килиб, уни хакоратлайдилар, унинг кўз ўнгига “зар от”ларни синдириб ташлайдилар [\[14\]](#). Аммо, подшо мулоийимлик билан окилона жавоб килиб, элчиларни пойтахтдан чикариб юбаради ва Юченг (Ўзган) шахри хокимининг кўли билан уларни йўқ килган

[\[15\]](#)

. Шундай килиб, Хитой-Фаргона урушлари бошланиб кетди.

Хитой кўшинлари то Даванга етиб келгунларича хар бир кишлок ёки шахарда каршиликка учрайди ва Юченг (Ўзган) да каттик жанглар бўлиб, хитойлилар катта талофат кўради. Вазиатни Хитой кўшинлари учун танглигини тушунган бosh кўмондон Ли Гуангли колган-кутган кучларини йигиштириб, Дўн Хуанга кайтиб кетади [\[16\]](#).

Улар кайтишда хам кўп каршиликларга учрайди. Икки йил давом этган хитойликларнинг бу биринчи юриши хакида манбада шундай дейилган: “Улар Дўн Хуанга кайтиб келганида кўшиннинг ўндан бир кисмигина колган эди. Ли Гуангли Хитой хоконига ахволни маълум килади [\[17\]](#). Маглубиятдан хабар топган император Уди даргазаб бўлиб, бу нохуш хабарни мамлакатда таркалиб кетишидан чўчиб, Буюк Хитой деворидан ичкарига кириб олган сипоҳ бекларининг калласини олишга, кўшинни эса Хитойга киритмасликка фармон беради [\[18\]](#). Хитой манбаларида бу маглубият хакида император Удининг фикрлари келтирилган: “У Давандек кичик бир мамлакатни бўйсундира олмасак, унинг атрофидаги давлатлар яна Хан сулоласини менсимай кўяди. Усун, Бугун эллари хам Хан сулоласини назарга илмас бўлиб олади. Чет элликларнинг олдида масхара бўламиз, деб ўйлар эди”

[\[19\]](#)

.Шармандаларча маглубиятдан газабланган император Уди айбдорларни жазолаб [\[20\]](#)

, Даванга карши иккинчи юришга жиддий тайёргарликни бошлаб юбаради.

Манбаларда хабар килинишича, дастлаб Хитой кўшинига карши Даванга хайрихон кишлок ва шахарлар каршилик кўрсатишмаган. Аммо, Хитой кўшини Бугур хонлигига келганда (Шаркий Туркистондаги кичик бир шахар-давлат) улар биринчи каттик каршиликка учрайди, таслим бўлишни истамаган шахар ахолиси ва аскарлари икки кун давом этган каттик жангларда кириб ташланади [\[21\]](#) Аммо, Хитой кўшинларидан Эршига 30 минг лашкар етиб келган эди холос

[22]

. Демак, Бугурдан то Эршига боргунга кадар хам Хитой кўшинлари махаллий хокимликлар каршилигига учраган ва йўл-йўлакай талофатлар кўрган, деган хulosा келиб чикади.

Эрши химоячилари шахар деворлари тепасига чикиб, шинаклардан душмонни ўкка тутишган. Камал узокка чўзилиб (40 кун), Эрши мудофаачилари таслим бўлавермагач, Хитойдан кўшин билан бирга келтирилган сув иншоатлари мутахасислари шахарга кирадиган сув йўлини тўсиб, шахарни сувсизликдан таслим килмокка киришадилар [23]. Кала бошлиги кудуклар каздириб, ахолини ичимлик суви билан таъминлаб турди. (Бу тадбир “Бобирномада” Бобир эслатган “Обидуз”, яъни яширин сув йўлини эслатади).

Камал жараёнида мудофаачилар Кангуй кўшинлари даванликларга ёрдамга келаётганлигини хабар килиб, Хитой кўшинини ташвишга sola бошлайдилар. Лекин, канкаликлар негадир ёрдамга шошилмас эдилар. 40 кунлик камалдан сўнг Хитой кўшинлари девор тешар куроллари ёрдамида шахар ташки мудофаа деворини бузиб киришга эришадилар. Шахар ахолиси ва мудофаачилар эса ички шахарга кириб олишга улгурадилар.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, археолог А. Анорбоев “Эрши-бу Эски Ахсининг ўзгинасидир,” деган хulosага келганда, у хакли эди. Чунки Ахсикент шахри Даван хокони кароргохи жойлашган арки ахлодан ташкари мудофаа деворлари билан ўралган икки кисмдан, яъни ички ва ташки шахристонлардан иборат. Хитойлилар ташки шахристон деворларини бузиб, шахар ичкарисига кирганда, улар фактат ташки шахристонни эгаллаган, мудофаачилар эса шахар ахолиси билан ички шахристонга жойлашиб олишган. Бирок, узок давом этган камал таъсирида даванлик аслзодалар орасида, орқадан Кангуйдан амалий ёрдам келавермагач, ховотирланиш бошланади.

Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар” асарида ёзилишича, “Дайюан аслзодалари ўзаро кенгашиб” душма хужумининг асосида, биринчи навбатда, элчи Че Лининг ўлими ва “самовий тулпорлар”га эришиш ётганлигини мухокама киладилар. Хокон Мугуа ва унинг тарафдорлари душмонга тулпорлар бермасликка аҳд килиб, каршилик кўрсатишни давом эттириш керак, кангуйдан келадиган ёрдамни кутиш керак, деб катгий туриб оладилар. Ташки ёрдамдан умидини узган аслзодалар (улар кўпчиллик бўлган кўринади) эса вазиатни мудофаачиларга жуда оғирлигини айтиб, хитойликлар талабини кондириш кераклигини таъкидлайдилар. Кўпчиллик аслзода ва мудофаа сардорларининг “агар душмон курсовни бўшатмаса, кучларимиз

Муаллиф:  
20.01.2014 10:27 -

яна бир марта каттик жанг килишга етади холос”, сўнг эса иложсизликдан таслим бўламиз. Хитойликларнинг талабидан келиб чикиб, кайсар Мугуани ўлдириб, тулпорларни уларга чикариб бермасак бўлмайди, деган карорга келадилар.

Нихоят, оксоколлар кенгаши бир карорга келади. Бунга кўра, Мугуа ва “самовий тулпорлар”ни душмонга топширишга келишилди. Аслзодалар биргаликда Мугуани ўлдириди

[\[24\]](#) . Сўнг эса Хитой

манбаларида хабар беришига караганда,

“Аслзодалар Мугуани калласини кўтариб келиб, “Эрши сангун” (Эрши юришининг кўмондони) билан кўришди ва шарт кўйиб, “Хан кўшинлари бизга хужум килмасин! Биз асл отларни

чикариб берамиз. Ўзларинг танлаб оласизлар хамда озик-овкат билан таъминлаймиз. Агар гапимизга кирмасаларинг барча “тулпорлар”ни ўлдириб ташлаймиз. Кангуйдан келадиган

кўшин хам келиш олдида турибди.

Улар етиб келиши хамон, бизнинг кўшинларимиз ички томондан, Кангуй кўшинлари ташкаридан Хан кўшинларига хужум килади. Кайси бирига розисизлар”дейдилар [\[25\]](#)

Эрши мудофаачилари томонидан таклиф килинган шартларни Ли Гуангли штабида хар томонлама мухокама килган кўринади. Даванликлар ваъдага вафо килиб, хитойликларга З минг зотли отларни танлаб олишларига имкон беради. Бош кўмондон Ли Гуангли Фаргона давлатининг собик хукмдори кекса Моцайни Даванга подшо этиб тайинлайди. Ли Гуангли армияси тегишли озик-овкат захираларини олиб, бир неча гурухларга бўлиниб, Эршини тўли к эгаллай олмай, Хитойга кайтади

[\[26\]](#)

. Гурухларга бўлиниб, Хитойга кайтган кўшин ичида каттик тартиб бўлмаганлигидан, армия сафига олинган собик жиноятчилар йўл-йўлакай кишлок ва шахарларни талайдилар. Ўзган ахолиси хитойликлар талаб килган озик-овкат ва ем-хашак етказиб беришдан бош тортиб, Ўзганда талончилик билан шугулланаётган Хитой отрядини бутунлай кириб ташлайди. Теварак-атрофни талаш билан банд харбий кисмлар яна Ўзганга кайтиб, икки орада каттик жанглар бўлади. Ўзган мудофаачиларидан Канг давлатига кочиб кетган шахар хокимини хитойликларга топширишни талаб килинади ва уни кўлга киритгач, бошини танасидан жудо киладилар. Бирок бу хам Хитой кўмондонлигини каноатлантирмайди. Ўзган мудофаачилари янада каттик каршилик кўрсатишга ўтадилар. Натижада Хитой отряди катта талофат кўради. Кочиб кутилган душман аскарларининг колдиклари зўрга “Эрши сангун” кўшинига бориб кўшилади

[\[27\]](#)

. Хитой армияси

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

Давандан чикиб кетиши биланок, ахоли кекса Моцайни тахтдан тушуриб, Мугуанинг инисини хукмдор килиб кўтарадилар.

Фаргона юришида Хитой учун катта талофатлар бўлишига карамай, хокон Уди Ли Гуанглини катта галаба билан табриклаб, унга “Хансу тўраси” унвонини беради ва 8 минг хонадонли ер суюргол килинади. Урушда катнашган З харбий амалдор вазир этиб тайинланади, 1000 копдан ортиқ маош оладиган одамлар сони мингдан ошиб кетади. Урушга сафарбар килинган бандитлар гунохидан ўтилиб, уларга берилган жазо хукмлари бекор килинади. Аскарларга 40 минг пул ёки ўша пулга тенг келадиган молу-дунё инъом килинади

[28]

Шундай килиб, Хитой кадимги Фаргона подшолигига карши хар иккала юришида хам амалда голиб чиккан эмас. Биринчи юришда Эршига этиб кела олмай, Лубнорда каттик каршиликка учраб, Ўзганда катта талофат кўриб, Хитойга кайтиб кетган. Иккинчи юришда урушга пухта тайёргарлик кўришига карамай, Эршини батомом таслим этаолмай, атиги З минг от ва Мугуани ўлимига эришиб, 50 мингдан ортиқ аскардан ажраб ватанига кайтиб кетди. Даван эса дипломатияни ишлатиб, она Ватанни мардларча химоя кила олди, Хитой олдида мустакилликни саклаб колди. Кичик бир подшолик антик даврининг буюк империяларидан бири Хан сулоласини кўзини очиб кўйди. Бу даванликларнинг буюк галабаси эди. Аждодларимизга хос ватан озодлиги, ватан кайгуси билан яшаш, унинг парлок келажаги йўлида мардларча курашга доим тайёр бўлган халкнинг она-ватанга бўлган садокатининг бир намунаси эди.

Кушонлар антик даврининг кудратли давлатларида бири сифатида Хувишка, Васидева (Васишка) даврида хам Канишка олиб борган давлат сиёсатини давом этдирадилар. Негадир, Кушон империясининг III-IV асрлар давридаги сиёсий хаёти хакида ёзма манбалар деярли маълумот бермайди. Археологик манбаларни камёб ёзма манбалар билан киёсий ўрганиш натижаларига асосланиб, тарих фанида кушонлар III асрдан бошлаб оркага кетабошлайди, деган тасаввур шаклланган. IV аср охирларига келиб, бир томондан сосонийлар, иккинчи томондан хионийлар ва кидарийлар томонидан берилган зарбалар натижасида кушон давлати парчаланиб, факатгина Маргиёнадаги сосоний хукмдорида “кушоншоҳ” унвони сакланиб колди холос.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, кадимги Бактрияда бошланган кушонлар даври тарихи милоддан аввалги I аср охирларидан (Гуйшуан князи Кудзуло Кадфис ўзини Гуйшуан подшоси деб эълон килгандан) милодий IV аср охирларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр икки боскичдан иборат. Биринчи боскич илк кушонлар (Кадфис 1, Вима Такто ва Кадфис 2) даври бўлиб, бу даврдаги кушонлар тарихи асосан

Муаллиф:

20.01.2014 10:27 -

---

Ўрта Осиё худудлари билан баглик. Иккинчи давр-Канишка ва унинг ворислари даври бўлиб, кушонлар тарихининг сиёсий майдони асосан шимолий-гарбий Хиндистон бўлиб колади.

---

[1] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. Ўримчи-1994, 452 бет.

[2] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар (“24 тарих” даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами) . Урумчи- 1989, 489-490 бетлар.

[3] История народов Узбекистана, том 1, стр.110. Ташкент-1950.

[4] Матбоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк боскичларида Фаргона. 35-36 бетлар. Тошкент-2001/

[5] Анорбоев А. Кадимги ва ўрта асрларда Ахсикент. «Ўзбекистон тарихида кадимги Фаргона» тщплам.. !0 -11 бетлар. Тошкент-2001.

[6] История народов Узбекистана. Том 1, Ташкент-1950, стр.110.

[7] Курбон Вали. “Шивонгму” ривояти хакида янги мулохаза. “Бизнинг тарихий ёзувларимиз” Уримчи -1986, 37 бет.

[8] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. Ўримчи-1994, 447-449 бетлар.

[9] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар. 526 бет.

[10] Си Ма Цян. Ўша асар, 508 бет.

[11] Си Ма Цян. Ўша асар, 508 бет.

[12] Ўша асар, 508, 527 бетлар; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи..., 457 бет.

[13] Си Ма Цян, ўша асар, 508 бет.

[14] Ўша асар, 508 бет.

[15] Си Ма Цян. Ўша асар, 508; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ...., 458 бет.

[16] Ўша асар, 510 бет.

[17] Си Ма Цян. Ўша асар, 510 бет.

[18] Ўша асар, 510 бет.

[19] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ...., 460 бет.

[20] Си Ма Цян. Тарихий хотиралар, 511 бет.

[21] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ..., 462 бет.

[22] Си Ма Цян. Фаргона таскираси. Тарихий хотиралар. 1 жилд. Ўримчи-1989. 512 бет.

[23] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ..., 462 бет.

[24] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. “Тарихий хотиралар”, 512-513 бетлар.

[25] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси.”Тарихий хотиралар.” 513 бет.

[26] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. “Тарихий хотиралар”, 513-514 бетлар.

[27] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. “Тарихий хотиралар”. 515-516 бетлар.

[28] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. “Тарихий хотиралар”, 516 бет; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли...466 бет.